



13 ёшли Шерали Бобомуродов чизган "Самарқанд тасвири", Илҳом Отабоев мўйқаламига мансуб "Ҳосил ўрими", Брендон Виллетеснинг "Дўстлик рамзи", Шадноф Каксалнинг "Гуллар — табият" каби расмлари томошабинларга манзур бўлди.

"НИГОҲЛАРДА ИСТИҚЛОЛ"

2-БЕТ.

Яшаш тарзимиз, меҳнат ва ўқишда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш бугунги куннинг асосий талабидир. Чунончи, бу борада иқтисодиёт маданияти кўникмаларини ҳам эгаллай бориш жуда муҳимдир.

"ЎГИЛ БОЛАЛАР УЧУН
ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ"


3-БЕТ.

Овчининг ўглини ўй босди. Атай бўшатиб юборилса, отаси адабини беради, бўшатмаса, бўғи...

Охири бир қарорга келди. Тулкининг боласини қўйиб юборадиган бўлди. Отасига бир баҳона тўқир-да!

"ОВЧИНИНГ ЎГЛИ"

4-БЕТ.



ТОҶИГ ҲОЛДУЗИ

№ 31
(6549)

15 сентябр, 1993 йил
ЧОРШАНБА
Сотувда эркин
наرخда.

Ўзбекистон Болалари Ва Ҳаётларининг газетаси

Рамзий қаҳрамонга ном топайлик!

Мен мактабимиздаги "Ёш қаламқашлар" тўғрагига қатнашман. Кичик-кичик ҳикоялар, шеърлар машқ қиламан, мактабимиз ҳаётидаги янгиликлар ҳақида мақолалар ёзиб тураман. Машқларимни тўғра раҳбаримизга ўқитиб кўргач, севимли ойномаларимиз "Гулхан", "Гўнча"га ҳамда қадрдонимиз "Тоғ юлдузи" газетасига юбораман.

Ҳар сафар "Қадрли Гулханжон", "Гўнчаой" дея мактуб йўллаганимда, кўз олдимга бу ойномаларнинг рамзий қаҳрамонларини келтираман. Шундай пайтларда ҳаёлимдан бир фикр ўтади: севимли газетамиз "Тоғ юлдузи"га ҳам рамзий қаҳрамон ўйлаб топсак-чи. Рамзий қаҳрамоннинг тасвири ҳамда номини "Тоғ юлдузи" муҳарририятига юборсак. Кимнинг чизган сурати ҳамда топган номи маъқул бўлса, газетамизнинг рамзий қаҳрамони бўлса...

Эркин ТҶИБОВЕВ.

Қашқадарё вилояти.

МУҲАРРИРИЯТДАН: шундай қилиб, азиз болалар, мактубларингизни кутамиз. Конверт устига эса, "Рамзий қаҳрамонга ном" деб ёзишни унутманг.

Афсус, ишонч йўқолди

Ўқишлар тугаб, ёзги таътил бошланиши арафасида ўқитувчимиз бизга йил бошида ўзлари тарқатган барча дарсликларни олиб келишимизни тайинлади. Шу кунгича ойим билан бирга барча китобларимни тартибга солиб, мактабга олиб бордим. Лекин муаллиманимнинг нимадандир ранжигандек бўлиб турганини кўриб ҳайрон бўлдим. Маълум бўлишича, кўпгина ўқувчилар "Менга бундай китоб бермаганди" дея олган китобларини ҳам қайтиб топширишмабди. Ўқитувчимизнинг уйма-уй юриб, ота-оналар билан қилган суҳбатлари ҳам натижа бермабди. Охир-оқибатда йўқолган китобларнинг пулини ўз маошларидан тўлашга мажбур бўлибди...

Ёзги таътил ҳам тугаб, ўқишлар бошланиб кетган дастлабки кунларда одатдагидек, дарсликлар тарқатилишини кутган эдик. Лекин ундай бўлмади. Ўқитувчимиз ҳар биримиз ота-онамиз билан келиб, имзо чекиб китоб олишимизни тайинлади. Биз бунинг сабабини дарҳол тушундик. Орамиздаги ишонч йўқолган эди.

Хуришда ИКРОМОВА.
Сирдарё вилояти, Ховос тумани.



БЎЛАЖАК КАРПОВ Ё КАСПАРОВ

Сариосиёлик Бегали Саидов бор-йўғи 13 ёшда. Лекин ёш бўлсада, номи эл оғзига тушишга улгурди. У нафақат туманда, балки республикада ҳам моҳир шахматчи сифатида таътилди. Жуда ёшлик чоғлариданоқ шахмат доналарини суришни машқ қила бошлаган Бегали кейинчалик туман, вилоят мусобақаларида мутлоқ голибликни қўлга киритди.

Яқинда эса унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Уста ўйинчи Леонид Маслов билан донна суришиб, ўйиннинг 25-дақиқасида рақибини мот қилди.

Сурхондарё "Шартномасавдо" концерни жаҳоннинг бўлажак чемпионига жаҳон чемпионатида бориш учун 1 миллион сўм пул ажратди.

— Ўғлимнинг ёшликдаги шахматга

бўлган қизиқишини шунчаки бир ўткинчи ҳавас, деб ўйлагандим, — дейди Бегалининг онаси. — Ҳозир эса Бегалижон оиламизнинг фахрига айланган.

Ҳа, дарҳақиқат, Бегали сингари умидли ёшлар нафақат оиласининг балки халқимизнинг фахридир. Бўлажак жаҳон чемпионига биз ҳам омадлар тилаб қоламиз.

Дилсора ЁҚУБОВА,
Сурхондарё вилояти.

Янги мактаб — янги тажриба

Янги ўқув йили бошланиши арафасида Тошкентдаги 174-мактаб ҳовлиси ўзгача гавжум бўлди. Бу ерда китоб мутлаа қилаётган, ота-оналарининг саволларига жавоб бераётган қизалоқларни кўриш мумкин эди. Улар Республикада биринчи бор очилаётган ўзбек-турк қизлар лицейига имтиҳон топширишди.

Ўтган ўқув йилида ташкил этилган ўзбек-турк ўғил болалар лицейлари ҳам ўқитиш, ҳам тарбия соҳасида яхши натижалар берганини маориф соҳасидаги барча мутасаддилар тан олишди. Бундай лицейларда таълим олаётган болаларнинг билимга бўлган қизиқиши янада ортгани, ўқишда яхши натижаларга эришаётгани ҳаммани қувонтирди. Шу сабабдан ҳам янги ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қарори билан барча вилоятларда жами яна 25 та ўзбек-турк лицейлари ташкил этишга киришилди. Ана шулар қаторида пойтахтда республикада ягона бўлган ўзбек-турк қизлар лицейи ҳам фаолият кўрсата бошлади. Тошкент шаҳридаги мактабларда таълим олаётган 233 нафар қиз болалар бу янгиликдан хабар топишгач, синовларга қатнашиш истагини билдирдилар.

Синов эса тест усулида эди. Унда жами 80 та саволларга жавоб бериш талаб қилинарди. Синовга қатнашган қизлар бу саволларнинг 70-75 тасига жавоб беришга эришдилар. Бугун уларнинг орасида энг аъло даражада синовдан ўтганларнинг 90 нафари лицей талабасидир.


(Давоми 3-бетда).

Оппоқ яқтагу дўппи, қийиқчалари ярашиб турган бу болажонлар шаҳримиздаги 188-болалар боғчасининг тарбияланувчиларидир. Улар боғча қошида ташкил этилган болалар ансамблининг фаол иштирокчилари. Бири қўшиқ куйлайди, бири доира чалади, яна бири рақсга тушади. Боғчадаги бирор бир тадбир, тантана, байрамлар улар иштирокисиз ўтмайди.

Бўладиган бола бошидан, деганларидек, ёшликданоқ санъатга меҳр қўйган бу болажонлар ўзбек халқ қўшиқлари, лапарлар ва термаларини меҳр билан ижро этишади. Ўзларининг қувноқ куй ва қўшиқлари билан нафақат болаларнинг балки боғча опаларининг ҳам қувончига қувонч қўшишмоқда.


Сурада: Тошкент
шаҳридаги 188-болалар
боғчаси тарбияланувчилари.
Р. АЛБЕКОВ сурага туширган.






**Пойтахтимиздаги Болалар
бадий ижодиёти**

**Республика марказида Янги
Зеландия ва ўзбекистонлик
ёш рассомларнинг қўшма
кўргазмаси бўлиб ўтди.**



Ванг Гог, Бехзод, Рафаэль, Микаланжело, Пикассо... Асрлар оша улар томонидан яратилган гўзал асарлар санъатсеварларни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бу буюк мўйқалам соҳибларига эргашиб, расм санъатига кириб келаётган ёшлар ҳам оз эмас. Кейинги пайтларда уларнинг турли кўргазмалари ташкил этилмоқда. Ана шундай диққатга сазовор кўргазмалардан бири куни кеча Болалар бадий ижодиёти Республика марказида очилди. Республика Болалар ва ўсмирлар уюшмаси, Болалар бадий ижодиёти Республика маркази, "Маданият" бирлашмасининг "Дилбар" номидаги Тошкент филиали, Янги Зеландия тинчлик тадқиқотлари

НИГОҲЛАРДА ИСТИҚЛОЛ



жамғармаси, Самарқанд миллатлараро Тинчлик ва бирдамлик музейи

Отабоев мўйқаламига мансуб "Ҳосил ўрими", Брендон Виллетеснинг



"Дўстлик рамзи", Шанон Каксалнинг "Гуллар-табиат" каби расмлари томошабинларга манзур бўлди.

Кўргазманинг очилиши маросимида иштирок этган рассомлар, кино усталари, ёзувчилар, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари болалар ишлари ҳар икки давлат ўртасидаги алоқанинг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшади, деб фикр билдирдилар.

— Бу кўргазма икки давлат болаларининг ўзига хос мулоқоти, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев. —

Болаларимиз чизган расмларда ҳаётбахшлик нафаси уфуриб турганини алоҳида қайд этиш керак.

Ёш рассомлар ҳаяжони, фикри, дилини ёрқин тасвир этиб турган бу кўргазма тинчлик, биродарлик яхшилик учун хизмат қилишига ва у ёш истеъдодларни янги-янги йўлларга бошлашига ишонамиз.

СУРАТЛАРДА:

"Нигоҳларда истиқлол" кўргазмасига қўйилган асарлардан намуналар.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Клавихо жарангдор оҳангда айтилган сўзлар маъносига етди. Темурбек испан қиролини "ўғлим" деб атади. Бу демак Генрих III унга тобе, қарам, вассал дегани. На илож? Буни тан олмай иложи йўқ. Қирол ҳам шунга рози бўлиб, унга ваколат берган. Клавихо жавоб тариқасида қиролнинг саломатлигини айтиб, унинг номаси ва совғасаломларини топширди. Темурбек тахтда виқор билан ўтирганча қаршисида тиз чўкиб турган элчидан нигоҳини узиб, вазирларига шодон ҳитоб қилди:

— Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюғидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улур халқдирлар.

Темурбекнинг кўзларида поёнсиз фахр ва гурур акс этарди. Мана, ниҳоят оламнинг энг чеккасидаги элчилар ҳам унга тобелик билдирмоқда. Олтинчи иқлим ҳам уники. Жаннатмакон шайх Шамсиддин Кулол башорати амалга ошмоқда. У олти иқлим мамлакатларининг ҳукмдори! Демак, жангу-жадалларда кечган умри беҳуда эмас. Тўкилган қони, майиб оёқ, қўли, чеккан

заҳматларининг самараси бу!

— Ўғлим, — деди у мулоим элчига боқиб, — мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истайман.

Бу илтифот испан қироли совғаларини таомилга кўра уч



тарихий лавҳалар

кундан кейин эмас, балки шу заҳотиёқ кўриш ва сарой аҳлига тарқатишдан бошланди.

Клавихони Чин ҳоқони ва Бобил ҳукмдори элчилари ёнига ўтқазилди. Темурбек Чин ҳоқони элчисига қаҳрли нигоҳини қаратди.

— Ўзини само фарзанди деб атаган Чин ҳоқони элчисини кўринг. Биласизларми у нима деди?

Мулозимлар соҳибқироннинг

ўзини ғазабдан зўрга босиб турганини сезишди.

— Мен, Тангри қули Темур, олти иқлим ҳукмдори Чин ҳоқонига ҳар йили хирож тўлашим керак эмиш. Даъвосини кўринг!

Саркардалар ўртасида ғалаговур кўтарилди. Мингбошию туман бошлиқлари, амиру беклар юзларида таажжуб ўйнади. Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади, деб бекорга айтишмаган.

— Элчига ўлим йўқ, дейдилар. Бўлмаса, бундай бўлмағур гаплари учун бу хитойни дорга тортган бўлардим.

Темурбек элчиларга қараб бирдан чехраси ўзгарди. Савол аломати ила девонбегига боқди. У дарҳол мулозимларга шипшиди.

Рюи Гонзалес де Клавихо Чин ҳоқони элчисидан пастда ўтирганидан Темурбекнинг жаҳли чиққанини улар тушунишди. Клавихони юқори, фахрий ўринга ўтқазилди.

— Ўғлим, Испания подшоҳи элчиларига кимхоб тўн!

Клавихо ўзига кўрсатилган мурувват ва қимматбаҳо либосга эмас, балки яширин мақсадига эришганидан бахтиёр эди.

Темурбекнинг жанговар ва зарбдор кучи Оврупога эмас, балки Хитойга от суради.

Бой ҳарбий тажриба, малака ва маҳоратга эга, мукамал қуролланган ва ҳозир Самарқанд атрофида шай турган бу хавфли қўшин агар Оврупога йўл олса, борми? Парвардигорнинг ўзи бу балони христиан дунёсидан даф қилмоқда. Худога шукур!

Қотмадан келган паканагина элчи Темурбекка ҳукмдори номасини топширди.

— Биз шуни билдикки, — ўқиди тилмоч хитой императори номасини, — сен Темур бизга қарши юришни ўйлабсан. Бекор иш бошлаяпсан. Чунки Хитойга бориш учун жуда кўп тўсиқлардан ўтишинг даркор. Чексиз, ҳад-худудсиз чўлу-биёбонлардан кечишинг керак. Хитойда, сен биласан, ўн икки минг шаҳар бор. Ҳар бирида ўн икки минг қўшин шай туради. Биз эндиликда Чин-гизхон давридагидек ночор хитойлар эмасмиз. Шунинг учун ҳам сенга яхши маслаҳат берамиз. Хавфли ишга қўл урма. Хатарли сўқмоққа йўл олма. Инон, сен мамлакатимизга етгунча шармандали тарзда ҳалок бўласан. Темурбек элчига чодирдан чиқишни имо қилди.

(Давоми бор)



Тезроқ кўчир.

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўтган йили Туркия Президенти Тургут Ўзлнинг Ўзбекистонга ташрифи вақтида Ўзбекистон Президенти И. Каримов билан маориф соҳасида ҳам бир қанча битимларга келишилган эди, — дейди ўзбек-турк қизлар лицейи директори Али Южал Билгин ўғли. — Шунга кўра “Селим” фирмасининг ҳомийлигида бизнинг лицей ҳам ўз фаолиятини бошлади. Лицейимизга 6-синфни тугатиб, 7-синфга ўтган 90 нафар қизларни қабул қилдик. Улар биринчи ўқув йили давомида ўзбек, турк, инглиз тилларини мукамал ўрганадилар. Кейинги йилларда эса барча фанларни инглиз тилида ўқий бошлашади. Ўқитувчиларни ҳам саралаб олганмиз. Олти нафар ўқитувчи Туркиядан таклиф этилган. Улар асосан турк ва инглиз тилларидан дарс беришади. Қолган муаллимлар ҳам энг билимли

Янги мактаб — янги тажриба

Ўқитувчилардан ҳисобланишади.

Биз Али Южал Билгин ўғлидан нима учун лицейлар айнан қизлар ва ўғил болаларга ажратилгани ҳақида қизиқиш сўрадик.

— Туркияда ўғил болаларга, қизларга мослашган мактаблар бор. Қизлар ва ўғил болалар аралаш ўқийдиган билимгоҳлар ҳам мавжуд, — деди у. — Аммо узоқ йиллар давомидаги кузатув ва текширишларга кўра, айнан бир жинсдаги болаларга мослашган мактаб ўқувчиларининг билими аралаш мактабдагиларга нисбатан кучлироқ, юксакроқ бўларкан. Мисол тариқасида, “Селим” фирмасининг мактаби ўқувчилари бу йилги Вашингтонда ўтказилган Халқаро олимпиадада физика бўйича биринчи ўринни қўлга киритишганини фахр билан айтишим мумкин. Улар ўғил болалар лицейи талабалари эди.

Лицейнинг куни кеча ўқишни бошлаган талаба қизлари ва ўқитувчилар билан бўлган суҳбатдан кўп, қизиқарли янгиликларни билиб олдик. Лицейни аъло баҳоларга тугатган талабалар жаҳон тилларидан ҳисоблаган инглиз тилини мукамал билишади. Шу сабаб ҳам улар Европадаги — Америка, Англия, Олмония, Франция университетларида хоҳишларига қараб имтиҳон топширишади. Бахти кулиб, синовлардан ўтирса бугун лицейни таъминлаб турган “Селим” фирмаси уларни бу ўқув юртини тугатгунларича моддий таъминлаб туради.

— Ўқишни тугатиб, меҳнат стажировкасига қолишни истаган талабаларни ҳам икки йилга қадар худди шу фирма пул билан таъминлайди, — деб фикрини давом эттирди Али Южал Билгин ўғли. — Талабаларимиз етук мутахассис бўлиб етишишгач, улар ўз диёрларига қайтиб кетишади ва Ватанларининг ривожига учун хизмат қилишади.

Тетапоя қилиб янги қадам “ташлаётган” бу билим даргоҳидан келажакда билимли мутахассислар чиқишига ишонамиз.

Д. ТУРАХМЕТОВА.
Тошкент шаҳри.


Ўғил болалар учун иқтисод сабоқлари



Яшаш тарзимиз, меҳнат ва ўқишда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш бугунги куннинг асосий талабидир. Чунончи, бу борада иқтисодиёт маданияти кўникмаларини ҳам эгаллай бориш жуда муҳимдир.

Шу ўринда ўғил болаларнинг иқтисодий тарбияланганлик даражасига таъсир этувчи махсус машғулотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фаннинг мақсади — ўғил болаларнинг ёш, психик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аниқ иқтисод билимлари, кўникма, малакаларни системали ўзлаштиришларини таъминлаш. Ўғил болаларга хос ҳунар танлаш ва уни



эгаллашда иқтисодий билим, кўникма, малакалардан унумли фойдаланишга одатлантириш. Мустақил фаолиятда иқтисодий тайёргарлик зарурлигини англатиш.

БУ ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ ЭСА ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

— Ўзбекистон республикасидаги ижтимоий ўзгаришларни (сиёсий, иқтисодий, маънавий) ҳаётий таҳлил этишга ўргатиш;

— иқтисодий тушунчаларни ўғил болаларга хос мантиқий англашни маълум йўналишга қаратиш;

— ўғил болаларда иқтисодий маданиятлик даражасига таъсир этувчи шахсий сифатларни шакллантириш;

— ўғил болаларнинг иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришларга кўникиш (адаптация) даврини қисқартиришга эришиш;

— ўғил болаларни хонадон соҳиб бўлишга тайёрлаш;

— менежерликни ўргатиш (қўшимча даромад манбаи сифатида танланган ҳунардан самара олиш санъати);

— ўғил болаларни иқтисодга оид касбларга йўллаш;

— ўғил болалар қобилият, имкониятларини кўзда тутиб, бошқариш фаолияти асосларини ўзлаштиришга имкон бериш.

Ўғил болаларнинг фарзлари

Ўғил болаларнинг бурчлари: ота-она ҳурматини бажо келтириш,

кексалар ҳурматини жойига қўйиш, илм-ҳунар эгаллаш, оиласига моддий ва маънавий ёрдам бериш, оила бошқаришга ўзини тайёрлаш, муомала маданиятини билиш, меҳнатдан қўрқмаслик ва қочмаслик, ижтимоий аҳволни ҳаққоний таҳлил эта билиш, мустақил фаолият кўрсатишга мослашиш, хусусий мулкдан фойдаланишда одиллик, фаолиятда қонунчиликка бўйсиниш, мерос талаб қилиш шартларидан хабардор бўлиш, ўзгалар ҳаёти, мол-мулки, нафсониятини топтамаслик, бундай ҳолларнинг гувоҳи бўлганда оқилу одил бўлиш.

МЕҲНАТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳалол меҳнат эвазига топилган бахт — осуда, фаровон турмуш, эзгулик мевасидир. Ақлий меҳнат. Ижтимоий меҳнат. Соҳа, ҳунар, касблар. Меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш. Ўғил болаларга хос меҳнат турлари. Меҳнат фаолияти. Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсат. Янги иқтисодий сиёсатнинг самара беришида ўғил болалар, йигитлар иштироки. Қобилият — ҳар бир кишига табиатан ато этилган бирор машғулотга мойиллик, ўзлаштиришдаги тезкорлик, ўзгалардан устун турувчи услубиятга эга бўлишлик. Қобилиятни англаш йўллари. Имконият ва ундан унумли фойдаланиш йўл-йўриқлари.

ОИЛАДА Ўғил БОЛАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Оилада биринчи ўғил. Унинг вазифалари. Катта қай йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради. Кенжа ўғил. Оилада ўғил болалар меҳнати. Кундалик меҳнатнинг ёшига, имкониятига, жисмоний кучига кўра тақсимланиши. Оиладаги мажбуриятлар. Оила сармоясига ҳисса қўшиш турлари, йўллари. Оила тадбирларида ўғил боланинг иштироки. Ўғил болани маҳалла танийди ва ҳаммага танитади. Куёвлик даврига тайёргарлик. Турмушнинг ташвишларига чидаш шартлари. Оталик бахти. Отанинг фарзанд олдидаги бурчлари. Фарзандларга таълим-тарбия беришнинг қоида, усул, шартлари.

РЎЗҒОР БУТЛИГИ

Нарх-наволар. Ўзинг қилган иш беминнат эканлиги. Тийин сўмни тежайди. Еринг кичик бўлса ҳам, унумли фойдаланишни бил. Қўчат етиштириш йўллари, усуллари. Рўзғор учун озиқ-овқат ғамлаш қоидалари. Кундалик бозор ҳамда мавсумий бозор қилиш. Меҳнат фаолияти учун турли асбоб-ускуналарнинг бўлиши, уларни сақлаш қоидалари. Тақомиллаштириш йўллари. Сотиб олиниши мажбурий маҳсулотлар, жиҳоз ва бошқалар. Уй шароитида уларни тайёрлаш қоида ва йўллари. Қурилиш бошлаш. Оилада таъмирлаш ишлари. Унда ўғил

болаларнинг иштироки.

МУҲТОЖЛИК ҲАМ БИР ДУШМАНДИР

Бойлик ва унинг турлари. Ҳалоллик билан мол тўплаш. Давлат, корхона мулки. Хусусий мулк тушунчаси. Оила мулки. Молни жамлагандан кейин яхши сақлаш, қўпайтириш ва сарфлаш йўллари. Ҳаракат қилинг — обод бўласиз, озгина қаноат қилинг — бадавлат бўласиз. Камтар бўлинг — дўстингиз кўп бўлади. Исрофдан йироқ бўлинг. Бахиллик касофати. Бугунги роҳатинг кечаги меҳнатнинг натижасидир. Ҳар нарса қўлингга кирса, бир тангадан икки ҳиссасини ўз оилангга сарф қил ва бир ҳиссани қариллик учун эҳтиёт қилиб сақла. Қолган икки ҳиссани қиммати йўқолмайдиган олтин, жавоҳир, дур, кумуш қабиларни сотиб олишга сарфла. Қарздан қўрқиш керак. Мерос ҳақида, мерос қолдириш шарт-қоидалари. Яхшиларга ҳавас қил, гиразлик қилиш ёвузликка олиб келади. Уй ва ер сотиб олиш. Ердан фойдаланиш қоидалари. Дўст танлаш. Жазо бериш ва авф қилиш ҳақида.

САВДО ВА ИҚТИСОД

Саҳийлик ва исроф ҳақида атрофлича тушунча. Савдогарчилик ва унинг тарихи ҳақида. Савдогар — савдо-сотиқ билан шугулланувчи фойдачилардир. Улар ризқ-насибасини излаб олам кезадилар. Халққа манзур гўзал, сара, асл моллар улардан топилади. Фойда-зарар бобида уларнинг табиатлари жуда нозиклиги. Олиб-сотарлик ҳақида. Савдолашув қоидалари. Савдо билан боғлиқ ҳунар, соҳа, касблар. Иқтисод асосларини билиш. Иқтисод калитлари. Ишбилармонлик. Менежер. Маркетинг. Иқтисодда ёш хусусиятлари ва бошқарув фаолияти. Савдодаги ҳалоллик, барака, соф фойда, ишонч. Маҳсулотлар баҳоси. Баҳо турлари. Нархларнинг кўтарилиш сабаблари. Нархни тушириш. Иқтисодий муносабатлар.

Қўшимча даромад келтирувчи ўғил болалар фаолияти

Ҳар бир ўғил боланинг мустақил ҳаёти ва фаолиятида зарур бўлган мажбурий билим, кўникма, малакалар.

1. Ошпазликнинг бошланғич кўникмалари.
2. Богдорчилик ҳақида бошланғич маълумотлар.
3. Дехқончилик сирлари ҳақида.
4. Дурадгорчиликнинг бошланғич кўникма, малакалари.
5. Савдо ҳақида бошланғич маълумот.
6. Менежерлик асослари.
7. Ўғил болаларга хос ҳунардан эгаллаш учун билим, кўникма, малакалар йиғиндисидан иборат дастурлардан фойдаланиш.

Зухра ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари номзоди.

13-15 СЕНТЯБР КУНЛАРИ ГУЛИСТОН ШАҲРИДА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА II АДАБИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ҳозир бизнинг қаторида яшамапти, деб ким айта олади? Ҳеч ким!
Бу сўзларимиз ижодкор ўқитувчиларга ҳам тегишли. Аслида, ижоднинг ўзи бир дунё, ўқитувчи бўлиш бир дунё. Ҳам ижодкор, ҳам ўқитувчи саналиш эса инсон қобилиятининг чексизлигидан далолатдир.

Еш авлоднинг эртанги кун камолотида ижодкорлик ва муаллимлик катта самаралар берган, беради.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ



Погона

Тегирмонтош айланар,
Ўз ўқидан жилмайин.
Эзар донни ун этиб
Бир чимдим ҳам емайин.

Ясаниб Қорбободек,
Тегирмончи парвона.
Нон бўлгунча бу ҳолат —
Ўтилар бир поғона.

Кетмон

Меҳнатсевар бўлса ким,
Дўст бўлиб, шод қарайди.
Тупроқ бағрин юмшатиб,
Ўзи оқ, ярқирайди.

Вали АҲМАДЖОН

Алмашдим қўғирчоққа

Синглиси-ла Вилоят
Кетганди ўйнамоққа.
Ёлғиз ўзи кечқурун
Кириб келди уй ёққа.

Ёлғиз кўриб онаси
Тутди уни сўроққа:
— Вилоятхон, синглингни
Ташлаб келдинг қаёққа?
— Уни мен Муборакка
Алмашдим қўғирчоққа.

Савоб иш

Кичиклар қўлидан тутиб,
Қарига асо бўл.
Онага далда,
Оталар дардига донм фидо бўл.

Бировлар қайғусин
Қайғум деб билгин.
Дўст учун жонингни фидо айлагин,
Она юрт дардида ёнгин, югургин.
Дилнинг мангунга унга боғлагин.
Шу бирла Ватанда осойиш ҳаёт,
Юрт дея
Эл дея яшамокдан

Савоб иш бормикан дунёда
хайхот?!.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ

Билмасам

Ярим тунда дарвозам
Қолди бирдан тақиллаб.
Ҳаёлимда боғ томон,
Кимдир ўтди чопқиллаб.

Қизиқ, алла маҳалда,
Дарвозани урган ким?
Балки у ҳаммаҳаллам,
Мени турган кутиб жим.

Сезиб қадам товушин,
Кетди дилим чарақлаб.
Балки бирор танишим,
Келганмикан сўроқлаб?

Балки келган дўстимдир,
Ёки сеvimли меҳмон?
Ким бўлмасин у ахир,
Меҳри товланган инсон.

Дарвозани мен шаҳдам,
Очдим, кўринмас ҳеч зоғ.
Тундаги бу шарпадан,
Сесканиб кетди тинч боғ.

Билсам, дарвозам чертган,
Тунги шамоллар экан,
Дўстларимни эслатган,
Соғинч ҳаёллар экан...

Расул ва кундалик

Кундалик дер:
— Расул менга.
Азоб берар,
Айтинг, нега?
Ўзгартирар,
"Икки"ларин.
"Тўрт", "беш" қилар
Бузиб барин.

Тайёрламай,
Дарсин нечун?
Ёт ишларга



Сарфлар кучин?

Дарсдан фақат,
Олар "ёмон".
Этмас шафқат,
Менга ҳамон.

Юзларимга
Тортиб чизик
Ёзувларни
Йиртган бузиб.

Ҳар бетимга
Чизган расм.
Ёзиб бормас,
Кунлик дарсин.

Кундаликка,
Шуми ихлос?
Мени мунча
Этар ифлос!

Нахот шунча,
Бўлсанг разил?
Бундоқ ўйлаб,
Кўргин, Расул!
Ўқиб дарсин олсанг "тўрт", "беш".
Ҳижолатда қолмайсан ҳеч.

Мели БОБОҚУЛОВ

Шодлик


Келди, келди, аммамиз,
Чопиб чиқдик ҳаммамиз.
Ғойиб ҳайрон сўради:
— Амманг нима беради?

Энг орқада шошилмай
Келаётган Ҳошимвой,
Деди: — Қизқасан Ғойиб,
Аммам келди соғайиб.

Дафтарларим

Ҳамдамим — дафтарларим,
Қанотим — каптарларим.
Сизларсиз учиб бўлмас,
Илм тоғин кучиб бўлмас.

Бағрингиз машқ майдони,



Машқ қилиб қондани.
Ақлимни чархлайман.
Оқ-қорани фарқлайман.

Ўстирган, улғайтирган,
Фикримни кенгайтирган.
Сирдошим оқ юзимсиз,
Фикрдош, ҳақ сўзимсиз.

Узаб кетса сафарим,
Сиз хабарчим, чопарим.
Йўлдошим дафтарларим
Қанотим-каптарларим.
Эъозлай туширмай доғ,
Токи тану жоним соғ.

Тошпўлат ХОЛМАТ

Ўлка

Кабоб пишар ўчоқларида,
Эркалайди мусаффо ҳаво.
Бу ўлканинг қишлоқларида,
Соғ улғаймоқ ўзи бир савоб.

Кел, биродар бағринг бега, сен,
Эл меҳнатда пишмоқларидан.
Бир ёқимли лаззат сезасан,
Татисанг сут, пишмоқларидан.

— Мунча ширин одам нафаси —
Дейсан оху пучмоқларида.
Келар кўҳна дунё ҳаваси
Эркалар эл қучоқларида.

Тарс ёрилар қовун-тарвузлар,
Тилинса Чуст пичоқларида.
Жозибали ҳатто анғизлар
Айниқса, ёз-кўз чоғларида.

Эътиқод

Кўплар бизни унча тушунмас,
Ҳолбуки биз оддий кишимиз.
Сохта илтифотлар учунмас,
Инсонга эътиқод ишимиз.

Салом берсанг, эгилсанг баъзан,
Хушомадгүй дея куларлар.
Бахилликда қочирар мазанг:
Ғийбатларга ўрин берарлар.

Адабиёт ва санъат бўлими.

"Яхшига ҳеч кун йўқ", деганлар.
Бу нақлни умри битди, бас.
Чунки бугун одам одамга
Дўсту иноқ, асло мутемас.
Солижон САЛОҲИТДИНОВ.

Келажак тонги

Улуғларнинг жасорати
Машъал бўлиб порлайди.
Бизни доим яшаш, ўқиш,
Курашишга чорлайди.

Широқ, Темур, Улуғбеклар
Ғуруримиз — фахримиз.
Улар умрин давомчиси
Бўлиш билан бахтимиз.

Минг йилларнинг тоғи оша
Келажак тонги отсин.
Авлодларим порлоқ руҳи
Авлодларим уйғотсин.

Пир Яссавий, мир Алишер,
Беруний, ибн Сино.
Ворисимиз, мерослари —
Тенгсиз улуғ ҳазина.

Боболарим ҳикматларин
Набиралар сақлайди.
Аё, улар китоблари
Машъал бўлиб чорлайди.

Эртанги кун кафтимизда
Кўёш бўлар, ой бўлар.
Мустақиллик олган юртда
Ушалажак орзулар.

Бизнинг билим, меҳнат билан
Ўзбекистон яшайди.
Унда бахтли, эркин авлод
Дориломан яшайди.

Минг йилларнинг тоғи оша
Келажак тонги отди.
Авлодларим порлоқ руҳи
Авлодларим уйғотди.


Қаҳрамон НОРБОВ

УМРБОҚИЙ

ДОНО БОЛА

Жавоҳир яхши боладир,
Баҳодан бешни оладир.
Онасин қўмсаб кўчадан,
Тоқатсиз уйга чопадир.
Кечқурун кутар дадасин,
Саломга кўмар дадасин.
Бўйнига ташлаб қўлларин,
Сўзлайди мактаб эртагин...

Агар отасининг хивчини синмаганда, яна қанча саваларди, билмайди. Лекин қанча саваласи ҳам рози эди, чунки тулки боласининг жони омон қолганди.



Ашур овчи ўрнидан эринибгина турди-да,
қўлига эндигина шидинган кўнғирранг тулки
терисини олди. У иши ўнгидан келганидан
мамнун жилмайди. Терини кўёшнинг нурида
езиб кўрди. Кейин қўлларини бир-бирига уриб,
қокди.
— Хой, Омон, борда, жардаги қопқонлардан
хабар олгин. Тагин аввалгидек раҳм қилмай кўя

эди. Оёғини тортиб ололмай, ундан бекинишга
ҳаракат қилганча гингшир эди. Жажжигина тул-
ки бола қопқонга тушиб қолган экан.
Омон унинг мунгли кўзларига узоқ термулиб
турди. Тулқичанинг қопқон исканжаси қисган
оёқчасидан зирқиллаб қон чиқиб турарди. Лекин
шунга қарамасдан у ортиқча ҳадикдан ўзини
қўярга жой тополмай типирчиларди.

Оллоназар УЛУҒОВ.

ОВЧИННИНГ ЎҒЛИ

ҲИКОЯ

қол. Шундай ҳам тери план бажарилмас-ов!
Омон отасининг феълини яхши билди. Шунинг
учун ортиқча гап-сўз қилиб отасининг жигига
тегмади. Чопқиллаб жардаги қопқонлардан
хабар олишга кетди.

Унинг бир одати бор. Қачон қопқонлардан хабар
олишга борса, ўлжага раҳми келиб қўйиб
юборади. Бу сафар ҳам ишқилиб бирор жонивор
шўри қуриб тушмаган бўлсин-да, дерди ўзига-
ўзи. У аввал жарлик тепасидан қопқонлар
қўйилган жойга назар солди. Қаради-ю,
хайратда қолди. Кучукка ўхшаш, лекин тум-
шукчаси узунчоқ жонивор қопқон исканжасида

Овчиннинг ўглини ўй босди. Атай бўшатиб
юборса, отаси адабини беради, бўшатмаса,
буеги...

Охири бир қарорга келди. Тулкининг боласини
қўйиб юборадиган бўлди. Отасига бир баҳона
тўқир-да!

Омон қўлларини тулки боласи оёқчасини
маҳкам ушлаб турган қопқон исканжасига олиб
борди. Негадир тулки боласи баттар
безовталаниб ириллаган бўлди. Шундай бўлса
ҳам у қўлларини секин, унинг қони сизган
оёқчаларига олиб борди. Базур унинг оёқчасини
бўшатди. Бўшатишга бўшатди-ю худди отаси

жар тепасидан келиб қолгандай юраги орқасига
тортиб кетди.

Қопқондан бўшалган тулкича мунчоқ
кўзларини Омонга тика-тика ундан
зоқлашди. У анча-мунча оқсоқланарди. Омон
эса қизик устида тулки боласини
бўшатаётганда, бармоғини тишлаб олганини
пайқамай қолган экан. Ачишаётган бармоғини
маҳкам босиб уйга жўнади. Отаси унинг
йўлига кўз тикиб, тулки терисини тузлаб турган
экан.

— Бу сафар ҳам қуруқми? Нега сенга қолганда
биронтаси илашмайди? Нега шунақа? Тез
гапир?!

Отасининг гапидан туюққан Омонга қўлининг
огриги ҳам билинмай қолди. Ёлгон айтмай деса —
қўли яраланган, ёлгон айтмай деса — отаси
калтақлайди. У ахир бир қарорга келди. Тулкини
бўшатиб олаётганда, қўлимни тишлаб қочди,
деганини билди, бир балога қолди.

— Нега олдин уни ўлдириб, кейин қопқондан
бўшатмадинг, — отаси уришиб берди. — Сен
ҳар сафар шундай иш тутар экансан-да, — деб
савалай кетди.

— Яна ўлжани бўшатасанми?



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВО.

Таҳрир Ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. ҚҶЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъуд котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тяжисе этиучин:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚҶМИТАСИ
Газета 1329 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номин билан
чиққа бошлаган.

Газета ҳафтаининг чоршанба кунин чикқайди

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КҶЧАСИ, 32-УЙ.
Напир кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г — 544. 29499 нускада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6